# ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ

1993 йил 24 август
СЕШАНБА
№ 98 (5.539).
СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-сиёсий газетаси • 1974 йил 1 январдан чиқа бошлаган


# ПАРВАРИШНИ БЎШАШТИРМАЙ, ТЕРИМГА ПУХТА ҲОЗИРЛИК КУРАЯПМИЗ

Бу йилги деҳқончилик кўпгина тажрибага эга бўлган пахта усталарини ҳам анча ташвишга қўйди. Гарчи 40 йилдан бери ер билан тиллашиб келаётган бўлсамда, бу йилгидай об-ҳавонинг инжиқ келганлигини эслай олмайман. Шунга қарамасдан, даладан чиқмадик. Гектарлар тўлалиги, кўчатлар бутлиги йўлида эртани-эрта, кечни-кеч демай ишлаяпмиз. Ҳар бир қарич ер, ҳар бир ниҳол, ҳар бир пайкал деҳқон назоратида турибди. Меҳнатларимиз зое кетмаяпти. Хайрият, дастлабки қувончли кунларга ҳам етдик. Ғўзамиз шиғил кўсаклай бошлади. Лекин ҳисоб-китобларимизга қараганда, ўсимлик ўтган йилгига қараганда 10—15 кун ривожланишдан орқада қолаяпти. Бу кечикишнинг олдини олиш пайидан бўляпмиз.

Хўжалик, туман, вилоят раҳбарларига раҳмат. Ҳамма зарур шарт-шароитни деҳқонларимизга яратиб беришяпти. Сувчи, механизаторларга бепул чой, новвот етказиб беришди. Ҳосил тақдирини ана шу азаматлар ҳал қилишади. Улар эрта баҳордан то ер шудгорлангунга қадар даладан чиқишмайди. Айниқса, август азал-азалдан ҳосилга ҳосил қўшиш ойи саналади. Бу йилги шароитда эса энг зарбдор, яъни ҳосил тўплаш ойи ҳамдир.

Деҳқончиликда аниқ бир қоида йўқ. Об-ҳаво шароитидан келиб чиқиб, экиннинг ҳолатига қараб иш кўраверасиз. Бу йил айниқса, чеканкага катта эътибор бердик. Бу тадбирни айрим карталарда беш мартагача ўтказдик. Ана шундай йўл билан ғўзаларда мўлжалдаги ҳосил нишонларини яратаяпмиз. Далаларимизда 12 нафар сувчи тўрт гуруҳга бўлиниб ишлашяпти. Сотиболди Саримсоқов, Тўхтабой Муродов, Ҳакимали Зиёмовлар 25—30 йилдан буён ғўзаларга жон бағишлаб келишяпти.

Шу ўринда бир мулоҳазам бор. Механизатор, дурадгор, пайвандловчи, ҳайдовчи қўйинг-чи шу каби мутахассисликлар тайёрлайдиган билим юртлари бор. Аммо сувчиларни тайёрлаш негадир эътибордан четда қолаяпти. Шундан бўлса керак, ҳозир далаларда обиҳаёт етаклаётганларнинг асосий қисми катта ёшдаги кишилардир. Ёки уста миришкор сувчиларга шогирд тайёрлаганликлари учун қўшимча ҳақ бериб, моддий рағбатлантиришни йўлга қўйиш керакмикин?! Ана шунда бу соҳа кишиларига муҳтожлик сезилмайди.

Бригадамизда 55 киши меҳнат қилади. Уларнинг аксарияти мен билан бирга узоқ йиллардан буён елкадош бўлиб мўл ҳосил етиштириб келаётган азаматлардир. Уларга барча шарт-шароитлар яратганмиз. Уч маҳал бепул иссиқ овқат ташкил қилинган. Мўъжазгина мевазор ҳосилга кирган. Маошларни ўз вақтида етказиб беряпмиз. Буларнинг ҳаммаси янги ўзлаштирилган адирликларда ҳар гектар ердан 40 центнердан ҳосил олишга имкон бермоқда.

Хўжалигимизда 17 та пахтачилик бригадаси бўлиб, 4 минг тонналик хирмон яратиш учун қизғин кураш боряпти. Ёқубжон Усмонов, Турдиали Абдураҳмонов, Раҳматжон Давлатов, Йўлдошбой Турғуновлар бошчилик қилаётган бригадаларда ҳам ғўзалар серҳосил ўсяпти.

Хўжалигимиз, туманимиз ва вилоятимизда ғўза парваришини 10 сентябргача давом эттириш ҳаракати кетяпти. Яқинда далаларимизда бўлган хоразмлик деҳқонлар ишимиздан қониқиш ҳосил қилганликларини таъкидлашди. Бунга Умматали Иброҳимов, Акрамжон Мирзаакбаров, Тожимирза Жўрабеков, Кароматхон Асадуллаева, Рислигой Зиёмова каби фидокорларнинг меҳнатлари туфайли эришяпмиз.

Парваришни бўшаштирмаган ҳолда пахта терими мавсумига ҳам пухта ҳозирлик кўряпмиз. Зарур қоп-қанорлар, эртаклар, тош-тарози, хирмонлар, кўприк ва йўллар мавсумга ҳозирланяпти.

**Тошпўлат ИБРОҲИМОВ,**
**Чортоқ туманидаги Алишер Навоий номли жамоа хўжалигининг бригада бошлиғи, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пахтакор.**



**Пайариқ районидаги «Ўзбекистон» жамоа хўжалигининг Қосим Бобобеков бошлиқ бригада аъзолари ғўза парваришини кундан-кунга кучайтирмоқдалар. Пахтакорлар баҳордаги табиат қийинчиликларини омилкорлик билан бартараф этиб, мўл ҳосил учун пухта замин яратишди. Ҳозир ғўзада кўсаклар тобора кўпаймоқда. Ният 63 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 30 центнердан хом ашё етиштириб, республикамиз мустақиллигининг иккинчи йилини меҳнатда муносиб совғалар билан нишонлашдир.**

**СУРАТДА: бригада бошлиғи Қосим Бобобеков ва механизатор Тошқул Бобобеков ғўзалар ривожини кўздан кечиришмоқда.**

К. ТУРСУНОВ олган сурат.

## ДАЛА ФИДОЙИЛАРИ

**Олтиариқ районидаги Т. Қўзибоев номли жамоа хўжалиги аъзолари 860 гектар майдонда ғўза парвариш қилишяпти. Ҳозир ниҳоллар ривожи яхши, ҳар бир тупда 6—7 тадан бўлиқ кўсак санаш мумкин.**

**— Об-ҳаво қийинчиликларига қарамай пахтакорларимиз фидокорона меҳнат қилишди, — дейди жамоа хўжалиги бошқаруви раиси А. Азимбоев. — Агротехника қоидаларига қатъий риоя қилиб, уста деҳқонлар тажрибасидан фойдаландик. Қилинган меҳнат ўз самарасини берди. Ҳозир далаларда режада кўзда тутилган ҳосил тўпланди. Ниятимиз режадаги 2.535 тонна ўрнига 2.800 тонна оқ олтин йиғиштириб олиб, ҳосилдорликни 35 центнерга етказишдир.**

**Жамоада уста пахтакорлар кўп. Ҳакимжон Юсупов, Олимжон Қосимов, Рўзивой Тўхтасинов, Иномжон Тўхтасинов бошлиқ бригада бошлиқларини шундайлар жумласига киритиш мумкин. Мазкур бригадалар далаларида ҳосил чўғи янада баланд. Ғўзалар парвариши ниҳоятда қизғин. Обидахон Собирова, Барно Юсупова, Хосият Мирзааҳмедова ва Турдихон Миролимова каби дала фидойилари ҳар бир туп ғўзани меҳр билан парваришлаб, ҳосилга ҳосил қўшмоқдалар.**

**Сувчилардан Холдорали Турсунов, Тўлқин Юнусов, Ўктам Тожиевлар кунни тунга улаб меҳнат қилиб, ҳосил тўплаш мавсуми ҳисобланган шу кунларда жонбозлик кўрсатишмоқда.**

Р. ТОЖАЛИЕВА.



**Юртимиз мустақиллигининг иккинчи йилини меҳнатда муносиб ютуқлар билан кутиб олиш учун пахтакорларимиз ғўза парваришини кундан-кунга авж олдирмоқдалар. Пискент районидаги «Дўстлик» давлат хўжалигининг Абдулла Бердиев бошлиқ бригада далаларида ҳам қизғин ишни кузатиш мумкин. Азамат пахтакорлар 82 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 30 центнердан оқ олтин етиштириш учун баракали меҳнат қилмоқдалар.**

**СУРАТДА: бригада бошлиғи Абдулла Бердиев далада.**

Н. МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.

## ҚИЗҒИН ТАРАДДУД

Амударё районидаги «Хоразм» жамоа хўжалиги деҳқонлари ҳосилга ҳосил қўшиш даври ҳисобланган ушбу дамларда фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Улар 1390 гектар ерда ғўза парвариш қилишмоқда. Бутун куч ва имкониятлар дала ишларига сафарбар этилган. 130 дан ортиқ сувчи, 400 дан зиёд киши ғўзаларни меҳр билан парвариш қилиб, уларни оби ҳаётга қондиришмоқда.

Ҳозир ҳар бир ғўзада 5—6 тадан бўлиқ кўсак санаш мумкин. Пайкаллар бегона ўтлардан тозаланган. 42 та культиватор таққан тракторлар ниҳоллар тагини кетма-кет юмшатмоқда. Чоршаъм Кўллиев, Ўролбой Ўташев ва Шукрулла Жумамуродов каби техника жиловкорлари кунлик режани 2—3 марта ошириб бажариб, ҳамкасбларига ўрнак бўлишмоқда.

Матназар Ҳайитбоев бошлиқ бригада далаларидаги ғўзаларнинг ривожи янада яхши. Ҳосил тугунчалари кундан-кунга кўпаймоқда.

Хўжаликда ҳосилни йиғиштириб олиш мавсумига ҳам қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Мавжуд техника сифатли қилиб таъмирдан чиқариляпти. Хирмонлар ва пахта сақлаш майдончалари тартибга келтирилаяпти.

**Х. ОТАМУРОДОВ.**

## ЎРГАНИБ ҲАМ ЎРГАТИБ

Куни кеча Жиззах вилояти ҳокими А. Тошкенбоев бошчилигидаги бир гуруҳ деҳқонлар Самарқанд вилояти хўжаликларида бўлиб, пахтакорлар амалга ошираётган ишлар билан танишган эди. Мана энди Самарқанд вилояти ҳокими П. Абдураҳмонов бошчилигидаги мусобақадошлар Жиззах вилоятига ташриф буюрди.

Самарқандликлар нафақат дала юмушлари, балки иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, мулкни хусусийлаштириш, кичик ва қўшма корхоналар ташкил этиш ишлари билан ҳам танишдилар. Жумладан, улар Жиззах туманидаги «Камолот» хусусий фермасида, матлубот жамиятига қарашли корхоналарда тадбиркорларнинг ибратли ишларини кўриб мамнун бўлдилар, вилоятда мактаб ва мактабгача тарбия муассасалари қурилиши авж олдирилиши кераклигига эътиборни қаратдилар.

Жиззах вилояти ҳокими А. Тошкенбоев қимматли маслаҳатлари учун самарқандликларга миннатдорлик билдирди.

(ЎзА).

## ХАЛҚ НОИБЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВ

Фарғона вилояти ҳокимлигида Ўзбекистон Олий Кенгашининг навбатдаги сессияси олдидан халқ ноиблари, шаҳар ва туман ҳокимлари билан учрашув бўлди.

Республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков учрашувда сўзга чиқиб, ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизда юз бераётган ижобий ўзгаришлар ҳақида, Олий Кенгаш сессияси муҳокамасига киритиладиган масалалар хусусида гапирди.

Учрашувда сўзга чиққанлар сессияда муҳокама қилиниши кутилаётган масалалар ғоят долзарб ва ҳаётий эканини таъкидладилар, айрим қонун лойиҳалари юзасидан фикр ва мулоҳазаларини билдирдилар.

Учрашув қатнашчилари республика раҳбариятининг ички ва ташқи сиёсати тўла қўллаб - қувватланаётганини изҳор этдилар.

* * *

Шу куни Ўзбекистон мустақиллигининг икки йиллиги байрами муносабати билан вилоят фаоллари, уруш ва меҳнат фахрийлари, байналмилалчи жангчилар, хотин-қизлар ва бошқа жамоат ташкилотлари вакиллари билан суҳбат ҳам бўлиб ўтди.

Республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков ҳозир бўлганларни ва вилоят барча меҳнаткашларини истиқлолимиз қутлуғ байрами билан муборакбод этди, мустақиллик байрами бир йиллиги кунида таваллуд топган болаларнинг ота-оналарига совға-салом топширди.

Учрашувда ва суҳбат чоғида республика Олий Кенгаши раисининг ўринбосари Б. Бугров, вилоят ҳокими М. Исломов, Ўзбекистон Республикаси конституциявий назорат қўмитасининг раиси Ш. Ўразаев, республика бош прокурори Б. Мустафоев қатнашди.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг навбатдаги сессияси арафасида Андижон вилоят ҳокимлигида халқ ноиблари билан учрашув бўлди.

Ўзбекистон Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков учрашувда сўзга чиқиб, республикада иқтисодий ислоҳотнинг бориши, халқ хўжалиги тармоқларининг етти ойлик иш якунлари, бўлажак сессия муҳокамасига киритиладиган масалалар хусусида сўзлади.

Сўзга чиққанлар сессияда қабул қилинадиган ҳужжатлар республикада ижтимоий-иқтисодий ривожланишни янада жадаллаштиришга хизмат қилажагини таъкидладилар.

Учрашувда Ўзбекистон Олий Кенгаши раисининг ўринбосари Б. Бугров, республика конституциявий назорат қўмитасининг раиси Ш. Ўразаев, Ўзбекистон Бош прокурори Б. Мустафоев қатнашди.

(ЎзА).

# МЎЛ ҲОСИЛ АСОСИ

Ғалла—халқ фаровонлигининг асосий мезонидир. Мустақиллик шарофати ғалла экинларига бўлган эътиборни кучайтирди. Аҳолининг дон маҳсулотларига талаб ва эҳтиёжини қондириш долзарб масалалардан бирига айланди. Шу боисдан ҳукуматимиз томонидан 1994 йил ҳосили учун суғориладиган ерларда ғалла экиладиган майдонларни кенгайтириш, уларнинг ҳосилдорлигини ошириш, аҳоли эҳтиёжлари учун кўпроқ дон етиштириш тадбирлари кўрилмоқда. Бунда энг муҳим муаммолардан бири уруғчиликдир.

Жумҳурият лалми майдонлари учун ғалла уруғчилиги деярлик ҳал бўлган бўлса-да, аммо суғориладиган майдонлар учун йўлга қўйилмаган. Вилоят ва туманларда юқори нав ҳосилдор ғалла уруғлари билан таъминловчи элита ва махсус уруғчилик хўжаликлари кўп жойларда расмиятчилик учун ташкил этилган, холос.

Жамҳуриятда ягона бўлган «Ғалла» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасида барча майдонга уруғлик етказиб беришнинг имкони йўқ. Шу туфайли барча хўжаликлар экишга режалаштирган ҳар бир гектар майдон учун буғдой ёки арпа уруғидан камида 200 килограмм уруғлик тайёрлашлари керак бўлади.

Ҳар бир ғаллакор жумҳуриятимиз иқлим шароитига мослашган ва районлаштирилган навдан ташқари биронта навни экмаслиги лозимлигини эсдан чиқармаслиги керак. Чунки бошқа ерларда юқори ҳосил берувчи навлар бизнинг тупроқ-иқлим шароитимизда маҳсулдорлигини кескин камайтириб юбориши мумкин. Шу туфайли суғориладиган ерлар учун юмшоқ буғдойнинг «Санзар 4», «Интенсив», «Унумли буғдой», «Сете церрос 66», «Безостая», «Шердор», қаттиқ буғдойнинг Александровка, Бахт, Макуз 3, арпанинг Зафар, «Ойқор», «Қарши», «Циклон» навларидан ғалла уруғлиги тайёрлашни тавсия этамиз. Бу навлар уруғининг танқислигини эътиборга олиб, барча нав репродукцияларини, ҳатто товар ҳолатидаги донларни ҳам уруғлик учун жамғариш зарур.

Шу мақсадда «Ўздонмаҳсулот» давлат концерни Фарғона, Наманган, Андижон вилоятларида тайёрланган барча ғаллани шартли равишда суғориладиган ерлар учун уруғлик сифатида қолдиришни кўриб чиқса маъқул бўларди. Қолган вилоятларда давлатга топширилган доннинг асосий қисми лалми ҳудудлардан келганлиги учун уруғликка тавсия эта олмаймиз.

Ҳукуматимиз томонидан белгиланган вазифага асосан, 1993 йил кузида экиладиган 750 минг гектар суғориладиган ғалла майдони учун 150 минг тонна ғалла уруғи зарур бўлади. Лекин ҳозирги кунда кўпгина хўжаликларда ўз уруғлик жамғармаларини яратишга етарли аҳамият бермаётирлар. Шу туфайли экиш даврида ғалла уруғчилигига тақчиллиги юзага келиши мумкин.

Аҳоли эҳтиёжи учун четдан керакли миқдорда ғаллани сотиб олиш имкониятимиз бор. Аммо зарур бўлган уруғлик ғаллани ҳатто олтинга ҳам олиб кела олмаймиз. Шунинг учун жойлардаги раҳбарлар, мутахассислар суғориладиган майдонлар учун навли ғалла уруғлари заҳираларини вужудга келтиришнинг шошилинч чора-тадбирларини белгиламоқликлари зарур. Чунки бу йилги давлат ресурсига қабул қилинган ғалланинг 90 фоизидан ортиғи лалмига мослашган ғалла навларнинг уруғларидир.

Ғалла уруғлигини тайёрлашда сифатга катта эътибор бериш, яъни экиладиган уруғлар тозалиги 99 фоиз, униб чиқиши, лаборатория шароитида юмшоқ буғдойлар учун 95 фоиздан, қаттиқ буғдойлар учун 90 фоиздан кам бўлмаслиги, бегона ўтлардан холи бўлиши зарур. Бунинг учун уруғлар тумандардаги уруғчилик инспекцияси кўригидан ўтказилиб, экиш учун яроқли деган ҳужжат билан тасдиқланмоғи даркор.

Ғаллани тозалаш ва саралашда Петкус, Гигант-531/1, СМ-4, ОВС—25 ёки ОВП 20 маркали ғалла тозалагич машиналардан фойдаланган маъқул.

Кейинги йилларда намгарчилик меъёрининг ортиши туфайли ғаллазорларда касалликларнинг бирмунча кўпайиши кузатилмоқда. Шулардан айниқса, қаттиқ ва чанг қоракуяси хавфлидир. Ана шу касалликлар асосан уруғдан ўтади. Шунинг учун уруғлик албатта дориланган ҳолда сақланиши керак. Дорилашни экишдан 1 ой олдин ўтказиш лозим. Демак, уруғларни дорилаб қўйишнинг айни пайти келди. Дорилашда 1 тонна буғдой учун 2 килограмм, арпа учун 3 килограмм ҳисобида гексатиурам, фундазал витатиурам ишлатилади.

Ғалла уруғларини дорилаш ПС-10 ёки Мобитокс махсус машиналар ёрдамида бажарилади. Лекин у ҳамма хўжаликлари ҳам топилавермайди. Шунинг учун дорилашни қўлда бажарса ҳам бўлади. Брезент ёки текис асфальт устига ғалла уруғи тўкилиб, дорининг донга яхши ёпишиши учун тоннасига 10 литр сувга 200 гр. оддий елим, ёки 100—200 гр. олий навли ун қўшиб сепилади, аралаштирилади. Сўнг устига брезент ёпилади ёки қопга солиб қўйилади.

Суғориладиган майдонларда ғалла етиштиришни кўпайтиришнинг омилларидан бири бошоқли дон экинларини уруғлиги тизимини намунали йулга қўйишдир. Бунинг учун ҳар бир вилоят ва туманда экиладиган ғалла майдонларининг ҳажмидан келиб чиқадиган ҳолда элита ва қуйи репродукцияли уруғларга бўлган талабнинг камида 5 йиллик режасини ишлаб чиқиш керак. Шунга мувофиқ зарур навлар ва репродукциялар бўйича вилоят агросаноат уюшмаларига ҳамда бизнинг илмий ишлаб чиқариш бирлашмамизга буюртмалар бериш лозим. Шу билан бир қаторда ҳар бир вилоятда бошоқли дон уруғини етиштирувчи элита ва махсус уруғчилик хўжаликларини белгилаш, уларга керакли нав уруғларини етказиб бериш бўйича топшириқлар бериш каби ташкилий масалаларни ҳал қилмоқлик даркор.

Уруғчилик хўжаликларида етиштирилган уруғликни харид қилиш муаммосини ҳам ҳал қилиш керак.

Баъзи маълумотларга қараганда, айрим хўжалик раҳбарлари бозор иқтисодиёти ва материалларнинг қимматлигини баҳона қилиб сотадиган уруғ нархларини жуда юқори кўтариб юбормоқдалар. Натижада товар ғалла етказувчи оддий хўжаликлар бундай қимматбаҳо уруғдан воз кечиб, ўзлари етиштирган ва маромига етказилмаган уруғларни экишга мажбур бўлмоқдалар. Бундай номутаносибликнинг олдини олиш учун уруғликка давлат томонидан қатъий нарх белгиланиши ва ҳамма жойда унга амал қилишга эришмоқ лозим. Нархларни белгилашда уруғликни етиштириш ва маромига етказиш бўйича барча сарф-харажатлар ҳисобга олиниш даркор.

Уруғлик баҳосини хўжаликлар учун арзонлаштириш мақсадида уруғлик етказувчи хўжаликларга таннархнинг 30 фоизигача бўлган миқдорини давлат томонидан қоплаш масаласини таҳлил қилиб кўрмоқлик керак.

Халқимиз сара уруғ-мўл ҳосил гаровидир, деб бежиз айтмаган. Дарҳақиқат, экиладиган ғалла уруғлиги қанча сифатли бўлса, хирмонимиз шунча кўп донга тўлади. Бу эса халқимиз тўкинчилигининг асосидир.

**Қ. ЭШМИРЗАЕВ,**
**«Ғалла» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори.**
**С. ҒАЙБУЛЛАЕВ,**
**бирлашма бўлим мудири.**

# ИСЛОҲОТ ОДИМЛАРИ

Ўзбекистон Қишлоқ хўжалик вазирлиги мутахассислари вазирликка қарашли бўлинмаларнинг ярим йиллик иқтисодий фаолиятини таҳлил қилдилар.

Вазирликнинг етти корхонаси ва ташкилоти 13 миллион сўмлик зарар келтирди. Бу ёқилғи ва бошқа материаллар қимматлашгани билан боғлиқ. «Узгипрозем» институти, «Агроресурслари» бирлашмасининг айрим бўлинмалари мутахассисларининг иши қийинлашди, «Ўзколхозқурилиш»га қарашли иккита механизациялашган кўчма колонна, Фарғона ва Тошкент вилоятларидаги ахлатни қайта ишлайдиган заводлар, Тошкентдаги «Ҳосилот» меҳмонхонаси зарар келтира бошлади. Шу муносабат билан ходимларнинг сонини қисқартириш, зарар келтираётган корхоналарнинг йўналишини ўзгартириш, фондларнинг бир қисмини бошқа ташкилотларга топшириш ҳақида қарор қабул қилинди.

Маълумотларга қараганда, баъзи туманларда хўжаликлар ўз имкониятлари ва эҳтиёжларини ҳисобга олмай, банкдан кўп миқдорда қарз олмоқда, ишлаб чиқариш зарар келтираётгани сабабли банкдан олинган қарзларни тўлай олмаяпти. Қорақалпоғистоннинг Бўзатов, Андижон вилоятининг Комсомолобод, Наманган вилоятининг Косонсой ва Чуст, Фарғона вилоятининг Олтиариқ, Тошкент вилоятининг Юқори Чирчиқ туманларида шундай ҳол қайд этилди. «Ўзбекистон паррандачилик саноати» корхоналарида ҳам аҳвол ачинарли.

Юз берган аҳвол муносабати билан Қишлоқ хўжалик вазирлиги корхоналар, ташкилотлар, хўжаликлар молиявий аҳволини соғломлаштириш тадбирларини ишлаб чиқди. Зарар келтирувчи бўлинмаларни тугатиш, мол-мулкни хусусийлаштириш ҳамда ижарага бериш орқали мулкчилик шаклини ўзгартириш бу ишдаги асосий йўналишлардир. Мулкчилик шаклини ўзгартириш ишга муносабатни ўзгартиришга, тармоқнинг молиявий аҳволини мустаҳкамлашга ёрдам беради.

